



2013 йил 1 август,
пайшанба, 31 (507)-сон

XASR

IJTIMOIY-SIYOSIY
GAZETA

Газета 2004 йил
1 январдан чиқа бошлаган,
e-mail: axborot@xasr.uz, www.xasr.uz

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI



ҚАДР-ҚИММАТИМ, ТАЯНЧИМ ВА ИФТИХОРИМСАН, МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН!

«Ўзбек халқига тинчлик ва омонлик керак» рисоласи жаҳон жамоатчилиги эътиборида

БУГУНГИ КУНДА ХАЛҚАРО ВАЗИЯТНИНГ ШИДДАТ БИЛАН ЎЗГАРИШИ, ДАВЛАТЛАРАРО ЗИДДИЯТЛАРНИНГ КУЧАЙИШИ, КЕСКИНЛИКНИНГ ЯНАДА ОРТИШИ, ЕР ЮЗИНИНГ ТУРЛИ НУҚТАЛАРИДА ЯНГИ НИЗО ЎЧОҚЛАРИНИНГ ПАЙДО БЎЛИШИ – АЙНИ МАНА ШУНДАЙ ЎТКИР МАСАЛАЛАР ЖАҲОН ЖАМОАТЧИЛИГИДА КАТТА ТАШВИШ ВА ХАВОТИР УЙҒОТМОҚДА

Бу фикримизга қўшни Афғонистондаги ўттиз йилдан зиёд давом этаётган уруш ва қон тўкишлар яққол мисол бўла олади. Бугун, орадан шунча вақт ўтишига қарамасдан, Афғонистондаги мавжуд вазиятни кўпчилик халқаро сиёсатчилар но-чор, ўта оғир ва қалтис, деб баҳоламоқда.

Ушбу мамлакатдаги вазият бизнинг ҳудудимиз, Марказий Осиё минтақасида тинчлик ва барқарорликка энг катта хавф-хатар бўлиб қолмоқда.

Бу моjarонинг ечимини топиш, жафокаш афғон заминда тинч ва осуда ҳаётни қарор топтириш масаласи Ўзбекистон ва қўшни мамлакатлар, қолаверса, дунёдаги кўпгина йирик давлатларнинг эътибор марказида бўлиб келаётгани, ўттиз йилдан ортқ тарих давомида бу минтақада қанча-қанча қон тўкилгани, миллионлаб одамлар бошқа ўлкалар-

да қочқ бўлиб кун кечираётгани, минглаб кишилар бедарак йўқолгани, қанча маблағ ва саъй-ҳаракатлар сарфлангани ҳақида кўп гапириш мумкин.

Афғонистон заминидagi уруш алангаси ён-атрофдаги мамлакатлар, эл-юртимиз учун қандай катта хавф-хатар ва нотинчлик туелдиргани ҳеч кимга сир эмас.

Шу боис, Ўзбекистон мустақилликка эришган биринчи кунлардан «Кўшнинг тинч – сен тинч», деган азалий халқ ҳикматиға амал қилиб, афғон моjarосини тинч йўл билан ҳал этиш ҳаракатида бўлиб келаётгани, бу муаммо доимо бизнинг эътиборимиз марказида тургани, давлатимиз раҳбарининг нуфузли халқаро минбарларда бу қарама-қаршиликни баргаф этиш мақсадида жон куйдириб, дунё ҳамjamiyатиға тақрор ва тақрор мурожаат қилгани барчамизга яхши маълум.

Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов бундан йигирма йил аввал, яъни, 1993 йилда БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясида Афғонистон моjarосини жаҳон ҳамjamiyати ёрдами билан ҳал этишга қақирди;

1995 йилда БМТ Бош Ассамблеясининг 50-сессиясида Афғонистонга қурол-яроғ киритилишига қарши халқаро эмбарго қўйиш тақлифи билан чиқиб, бу мамлакатнинг ички ишларига ташқи кулларнинг аралашувиға чек қўйиш зарурлигини таъкидлади, Афғонистонда коалицион ҳукумат тузиш моделини тақлиф этди;

1997 йили мамлакатимиз раҳбари афғон муаммосини ҳал қилиш учун «6+2» мулоқот гуруҳини ташкил этиш ташаббуси билан чиққани ва 1999 йили мазкур гуруҳнинг Тошкент учрашуви бўлиб ўтганидан барчамиз хабардормиз.

2 >>>



Солмақ 300Р олган сурат

Фермерлик ҳаракати — ҳал қилувчи ижтимоий-сиёсий куч

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИНING МАЖЛИСИДА «ФЕРМЕРЛИК ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИЛИШИ ВА ФЕРМЕРЛИК РИВОЖЛАНТИРИЛИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЎЗБЕКISTON РЕСПУБЛИКАСИНING АЙРИМ ҚОНУН ҲУЖАТЛАРИГА ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ АТРОФЛИЧА МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Аграр ва сув ҳўжалиги масалалари қўмитаси раҳбари, О'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Муҳаммадусуф Тешабоевнинг таъкидлашича, янги қонундан кўзда тутилган асосий мақсад кўп тармоқли фермер ҳўжалиklarини ривожлантириш, шу асосда улар фаолиятининг молиявий барқарорлиги ва самардорлигини ошириш учун зарур шарт-шароит яратиш борасидаги ҳуқуқий асосларни янада такомиллаштиришдан иборатдир.

Муҳокама аларда О'zLiDeP фракцияси аъзолари мамлакатимизда фермерлик ҳаракатини янада ривожлантириш учун экспертлар ва партия электорати вакилларини жалб этган ҳолда қонун лойиҳасини пухта таҳлилдан ўтказгани ҳамда унинг яқунлари бўйича аниқ тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқилганини қайд этдилар.

— Ушбу қонун лойи-

ҳаси партияимизнинг гоя ва мақсадларини қўллаб-қувватлаган сайловчилар ва асосий электоратимиз бўлган қишлоқ мулкдорлари манфаатиға жавоб беради, —

дейди О'zLiDeP фракцияси аъзоси Нураддин Отажонов. — Ушбу ҳўжатни қўллаб-қувватлашимизнинг яна бир боиси, унинг қабул қилиниши билан фермер ҳўжалик-

ларида етиштирилаётган хомашёни қайта ишлаш, сақлаш ва сотиш учун ҳуқуқий шарт-шароитларни янада кенгайтиради.

3 >>>

Ислоҳот

Фарғона: Юксак талабга юксак масъулият билан

ОНА-ВАТАНИМИЗНИНГ ЯҚИН ЎТМИШИ ВА БУГУНГИ КУНИГА ҚИЁСАН НАЗАР ТАШЛАСАҚ, БЕБАҲО НЕЪМАТ — МУСТАҚИЛЛИК ТУҒАЙЛИ ЎЗБЕК ХАЛҚИНИНГ ШАЪНИ, ҚАДР-ҚИММАТИ ТИКЛАНИБ, БУТУН ДУНЁДА «ЎЗБЕК МЎҶИЗАСИ» ЯРАТИБ БЕРГАН ИМКОНИЯТЛАР ЮҚОРИ БАҲОЛАНАЁТГАНИГА ГУВОҲ БЎЛАМИЗ

Шукрки, ота-боболаримиз асрлар давомида орзу қилган дорилмон қунарлари кўриш бугунги авлод вакилларига насиб этди. Бу буюк саодат, албатта. Эндиликда истиқлол йўли — бу гулларға буркунган арафасида қаерда бўлманг ва ким билан суҳбатлашманг, улкан бунёдкорлик ишлари, кўркам уй-ҳойлар, олис қишлоқларимиз кўркига-кўрк

кўшаётган замонавий коллеж, лицейлар ҳамда уларда таълим-тарбия олаётган янги авлод вакилларига кўрсатилаётган гамхўрликлар ҳақида эшитасиз.

Пойтахтимиз Тошкентни кўя турайлик. Эндиликда республикамизнинг барча ҳудудларида ислохотлар бирдек изчил олиб борилиб, аҳоли турмуши фаровонлиги тобора юксалмоқда. Мустақилликнинг дастлабки йилларида Фарғонада юз берган воқеалар кўпчилигининг ёнида бўлса керак. Ушундай таҳликали кунларда оммани тўғри йўлга бошлаш, очлик ва қашшоқлик гирдобидан асраб қолиш

учун мамлакат раҳбариятидан оқилона сиёсат юритиш талаб этилар эди. Ана шундай оғир бир шароитда одамларни иш билан таъминлаш долзарб масалаға айланди. Мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларида республикамизнинг ҳар бир оила учун қўшимча томорқа ери ажратилди, фермерлик, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб берилди. Бир сўз билан айтганда, истиқлолнинг дастлабки йилларида қўрилган чора-тадбирлар бугунги Фарғонанинг беқеъи натижалари учун мустаҳкам асос яратди.

3 >>>

КЕЛГУСИ СОНЛАРДА:

МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИ САМАРҚАНД ВИЛОЯТИДА МАШИНАСОЗЛИК СОҲАСИГА ҚАМ АСОС СОЛИНИШ, УМУМИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРИШДА УШБУ ТАРМОҚ УЛУШИ 5 ЙИЛ ИЛДА 12.5 ФОНДАН 19.3 ФОНГГА ОШИДИ. ШУ УРИНДА ВИЛОЯТДА МАМЛАКАТИМИЗДА БИРИНЧИЛАРДАН БЎЛИБ ЮК АВТОМОБИЛАРИ ВА АВТОБУСЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЙўЛГА ҚўЙИЛГАНИНИ ТАЪКИДЛАШ ҲОСИ. ЯНА БИР МУҶИМ КУРСАТКИЧ: АЙНИ ПАЙТДА ВИЛОЯТДА ЖАМИ 33 ТА ЙИРИК САНАТ КОРПОРАСИ БЎЛИБ, УЛАРДАН 10 ТАСИ ОЗИҚ-ОВҚАТ, 13 ТАСИ ТЕКСТИЛ, 6 ТАСИ МАШИНАСОЗЛИК, 1 ТАСИ ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРМОҚДА.



Энг муҳими, сўз ва иш бирлигини таъминлаш

4 ПАРТИЯВИЙ ЛОЙИҲА



Сўлларға суяниш хавфли

7 ХАЛҚАРО ҲАЁТ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2013 йил 30 июлдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисобларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хоржий валюталарнинг сўмға инебатан қўйилгани қийматини белгилади:*)

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

1 Австралия долларлари	▲ 1953.00
1 Англия фунт стерлинги	▲ 3243.05
1 Дания кронаси	▲ 375.56
1 БАА дирҳами	▲ 573.91

1 АҚШ долларлари	▲ 2107.93
1 Миср фунти	▲ 301.07
1 Исландия кронаси	▲ 17.59
1 Канада доллари	▲ 2052.31

1 Ҳингй юани	▲ 343.84
1 Малайзия ринггити	▲ 655.04
1 Польша злотийси	▲ 662.60
1 СДР	▲ 3193.83

1 Туркия лираси	▼ 1096.62
1 Швейцария франки	▲ 2271.72
1 ЕВРО	▲ 2783.57
1 Жанубий Корея вони	▲ 19.01

10 Япония иенаси	▲ 215.38
1 Россия рубли	▲ 64.59
1 Украина гривнаси	▲ 263.72

«Ўзбек халқига тинчлик ва омонлик керак» рисоласи жаҳон жамоатчилиги эътиборида

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада <<

2001 йилда Президентимиз БМТ Бош қотибига йўллаган мурожаатида Афғонистонни демилитаризация қилиш масаласини БМТнинг Хавфсизлик Кенгаши кун тартибига қўйиш таклифини илгари сурди.

2008 йилда НАТОнинг Бухарест саммитида БМТ шафелиги остида «6+3» мулоқот гуруҳини ташкил этиш таклифи билан чиқди.

Бу рўйхатни яна давом эттириш мумкин.

Ана шундай муҳим ҳужжатлар қаторида давлатимиз раҳбарининг бевосита ташаббуси билан ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикасининг Ташқи сиёсий фаолият қонунчилиги ва шу асосда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Қонуни минтақамизда тинчлик ва барқарорликни сақлаш ва мустақамлаш йўлида ғоят муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлаш лозим.

Президентимиз 2013 йил 9 майда Хотира ва қадрлаш куну муносабати билан оммавий ахборот воситаларига берган интервьюсида ўз эътиборини яна бир бор Афғонистондаги мавжуд воқеаликка қаратиб, ушбу муаммонинг нақадар жиддийлиги ва унинг ечими бўйича қандай амалий ҳаракат ва чора-тадбирлар зарурлиги хусусида сўз юритди.

Юртбошимизнинг ана шу интервьюсини ўз ичига олган, ўзбек ва инглиз тилларида чоп этилган «Ўзбек халқига тинчлик ва омонлик керак» рисоласи бугунги кунда нафақат мамлакатимиз, балки жаҳон жамоатчилигида катта қизиқиш уйғотмоқда, кенг муҳокама қилинмоқда.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаб ўтганидек, Афғонистондаги мавжуд ўта оғир ва таҳликали бир вазиятда АҚШ ва Европа давлатларининг АЙСЕФ, яъни тинчлик ўрнаткич кучлари деб ном олган ҳарбий қўшинларининг 2014 йилнинг охиригача ушбу мамлакат ҳудудидан олиб чиқиб кетилиши билан Афғонистонда ўзаро қарама-қарши кучлар ўртасидаги курашнинг авжига чиқиши, террорчилик, қурол-яроғ савдоси, наркотрафик, турли диний, миллатлараро низоларнинг кучайиб, фуқаролар урушининг яна қайтадан бошланиши хавфи ортади.

Президент Ислоҳ Каримов афғон мождорсини бартафр этишининг ягона йўли — сиёсий йўл бўлиб, қанчалар қийин бўлмасин, қарама-қарши кучларни музокаралар орқали ўзaro келишувга олиб келиш экани тобора ўз тасдиғини топаётганлигини алоҳида таъкидлади. Айни шу асосда вақтинчалик ҳукумат тузиш, сайловлар ўтказиш, Афғонистон олдига турган оғир муаммоларни ҳал этишга ўттиш имкони пайдо бўлишини бугунги кунда кўпчиликл эътироф этмоқда.

Оқорда зикр этилган Ўзбекистон Республикаси Ташқи сиёсий фаолият қонунчилигида мамлакатимиз «тинчликсез вазиятда ва ҳарбий-сиёсий блокларда иштирок этмайди», деб аниқ-равшан баён қилинган. «Ўзбекистон қўшини давлатлардаги қуролли можароларга ва кескинлик ўчоқларига тортилишининг олдини олиш юзасидан барча зарур чора-тадбирларни кўради, шунингдек, ўз ҳудудида хоржий давлатларнинг ҳарбий базалари ва объектлари жойлаштирилишига йўл қўймайди», дея таъкидланади.

Шу борада мамлакатимиз раҳбарининг мазкур концепцияга асосланган ҳолда билдирган қўйидаги фикрларини келтириш ўринлидир: «Ўзбекистон Афғонистоннинг ички ишларида аралашмаслик, Афғонистонга қарши қаратилган турли ҳарбий-сиёсий блокларда қатнашмаслик, Афғонистон билан алоқаларимиз ва ҳамкорлигимизни фақатгина икки томонлама асосда ташкил қилиш, афғон халқи танлаган ҳукуматни қўллаб-қувватлаш сиёсатини ўзига маъжул толади».

Бундай қатъий, шу билан бирга, узқичи қўзлаган, чуқур ўйланган сиёсатини олдинга суртиш учун Афғонистоннинг яқин кўниси бўлиши Ўзбекистонда барча асослар бор. Авваламбор, бу Афғонистон билан узок тарихий ўтмишга бориб тақаладиган яхши қўшничилик, ўзаро ҳурматга асосланган алоқаларимиз, мамлакатимизнинг Марказий Осиёда тутган алоҳида ўрни ва минтақасида тинчлик ва барқарорликни таъминлашга қаратилган ва жаҳон ҳамжамияти томонидан кенг эътироф этилган мустақам ва собитқам ташқи сиёсатидир.

Айнан мана шу омиллар сабаб, «Ўзбек халқига тинчлик ва омонлик керак» рисоласида минтақамиз ва унинг атрофида рўй бераётган кескин ўзгариш-

лар таҳлили, Афғонистондаги вазият ва афғон муаммосини ҳал этиш борасида билдирилган амалий хулоса ва таклифлар бутун нафақат мамлакатимизда, балки халқаро майдонда ҳам кенг ақсало бермоқда. Чет давлатларнинг сиёсий-иқтимоий, эксперт ва илмий-ака-

маслиги мумкин эмас.

Нью-Йорк давлат университети профессори П.Морвиж Афғонистондан чет эл ҳарбий кучларининг олиб чиқиб кетилиши бу мамлакатдаги вазиятни тангликка олиб келиши мумкинлигини қайд этган ҳолда, Президент Ислоҳ Каримов-

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОҲ КАРИМОВ ТОМОНИДАН АФҒОНИСТОН БОРАСИДА БИЛДИРИЛГАН ФИКР ВА ТАКЛИФЛАР ЖАҲОННИНГ ЕТАКЧИ СИЁСАТЧИЛАРИ, ЭКСПЕРТ ВА ОЛИМЛАРИ ТОМОНИДАН ҲАМ ҚИЗҒИН МУҲОКАМА ЭТИЛИБ, ЮҚОРИ БАҲОЛАНМОҚДА. ЖУМЛАДАН, АҚШНИНГ ЖОН ХОПКИНС УНИВЕРСИТЕТИ ҚОШИДАГИ МАРКАЗИЙ ОСИЁ ВА КАВКАЗ ИНСТИТУТИ РАҲБАРИ ФРЕДЕРИК СТАРРНИНГ ТАЪКИДЛАШИЧА, ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОҲ КАРИМОВ АФҒОНИСТОНДАГИ ВАЗИЯТНИ «ЎТА ОҒИР ВА НОЗИК», ДЕЯ АНИҚ ВА РАВШАН ТАҲЛИЛ ЭТДИ. БУГУНГИ КУНДА АФҒОН МУАММОСINI ҲАРБИЙ ЙЎЛ БИЛАН ҲАЛ ЭТИВ БЎЛМАСЛИгини РЕАЛ ФИКРЛАЙ ОЛАДИГАН ҲАР БИР ИНСОН ТУШУНИБ ЕТМАСЛИГИ МУМКИН ЭМАС. НЬЮ-ЙОРК ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ПРОФЕССОРИ П.МОРВИЖ АФҒОНИСТОНДАН ЧЕТ ЭЛ ҲАРБИЙ КУЧЛАРИНИНГ ОЛИБ ЧИҚИВ КЕТИЛИШИ БУ МАМЛАКАТДАГИ ВАЗИЯТНИ ТАНГЛИККА ОЛИВ КЕЛИШИ МУМКИНЛИгини ҚАЙД ЭТГАН ҲОЛДА, ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОҲ КАРИМОВНИНГ БУ БОРАДАГИ СЎЗЛАРИНИ ЎЗ ХАЛҚИНИНГ ТИНЧЛИГИ ВА ОСОЙИШТАЛИгини ТАЪМИНЛАШ ҲАҚИДА ҚАЙҒУРАДИГАН ЧИНАКАМ ДАВЛАТ РАҲБАРИНИНГ ҲАРАКАТИДИР, ДЕВ ИЗОҲЛАЙДИ.

демик доиралари, оммавий ахборот воситалари ва халқаро ташкилотлар томонидан кенг қўллаб-қувватланмоқда ва баҳс-мунозараларга сабаб бўлмоқда.

Энг аввало, давлатимиз раҳбарининг фикрларига бевосита Афғонистоннинг ўзида катта қизиқиш кузатишмоқда. Президентимизнинг интервьюси ушбу давлатнинг етакчи оммавий ахборот воситаларида инглиз, дари ва ўзбек тилларида нашр этилди. Жумладан, Афғонистоннинг етакчи «Daily Outlook Afghanistan» газетаси, «Сахро» иқтимоий-сиёсий журнали интервьёнинг тўла матнини «Ўзбек халқига тинчлик ва омонлик керак» сарлавҳаси остида чоп этди.

Ислоҳ Каримов интервьюси Афғонистон билан қўшни бўлган Покистоннинг «Balochistan today» ва «Itihaad» газеталарида, Эроннинг «Iran News» газетасида ва Хитойнинг «Lookwe» журналида, АЙСЕФ иштирокчилари бўлиши АҚШ, Буюк Британия, Германия, Франция, Италия, Бельгия, Латвия, Туркия ҳамда муулмон дунёсида ўз мавқеига эга бўлган Саудия Арабистони, Кувайт, Малайзия ва бошқа давлатларнинг босма ва электрон нашрларида кенг ёритилди.

Таъкидлаш жоизки, хоржий оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган мақолаларда Ўзбекистоннинг Афғонистонда тинчлик ва барқарорликнинг ишончли тарафдори экани ва ушбу мақсадлар учун фаол сиёсий-дипломатик савий-ҳаракат кўрсатаётганлиги алоҳида урғуланмоқда. Энг муҳими, барча нашрлар Ўзбекистоннинг принципиал позицияси — Афғонистондаги низони бартафр этишининг ягона йўли — сиёсий йўл эканини тўлалигича қўллаб-қувватлаган ҳолда, мазкур муаммонинг ечимига ўзаро курашаётган қарама-қарши томонларни музокаралар столи атрофида тўплаш ва уларни мurosага олиб келиш орқали эришиш мумкинлигини эътироф этишмоқда.

Интервьёда Президент Ислоҳ Каримов томонидан Афғонистон борасида билдирилган фикр ва таклифлар жаҳоннинг етакчи сиёсатчилари, эксперт ва олимлари томонидан ҳам қизғин муҳокама этилиб, юқори баҳоланмоқда.

Жумладан, АҚШнинг Жон Хопкинс университети қошидаги Марказий Осиё ва Кавказ институти раҳбари Фредерик Старрнинг таъкидлашича, Президент Ислоҳ Каримов Афғонистондаги вазиятни «ўта оғир ва нозик» дея, аниқ ва равшан таҳлил этди. Бугунги кунда афғон муаммосини ҳарбий йўл билан ҳал этиб бўлмаглигини реал фикрлай оладиган ҳар бир инсон тушуниб е-

нинг бу борадаги сўзларини ўз халқининг тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш ҳақида қайғурадиган чинакам давлат раҳбарининг ҳаракатидир, деб изоҳлайди. Мана шу сабаб, Ислоҳ Каримов Афғонистондаги асосий кучларни ўзаро қарама-қаршиликларини музокаралар столи атрофида ечилиш, ҳарбий тўқнашуларнинг англитдан авж олиб кетмаслигига ва ушбу давлатдаги беқарорликнинг қўшни давлатларга тарқалишининг олдини олишга қақирмоқда, дейди П.Морвиж.

АҚШнинг Карнеги фонди эксперти М.Олкотт Ўзбекистон афғон муаммоси атрофидаги ўзгаларнинг ўйинларида кўпбилмаслигини ва жанубдаги қўшни билан муносабатларини фақатгина аниқ томонлама асосда, ички ишларга аралашмаслик, тинчликсезлик ва яхши қўшничилик принциплари асосида куриштириш ижобий бўлади.

Америкалик мутахассис Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган электр энергиясини Афғонистонга етказиб берилиши ушбу давлатнинг иқтисодий ва ижтимоий тикланишига улкан ҳисса қўшаётганини таъкидлайди. Икки давлатни боғлаб турувчи темир йўл ҳамда тезорар автомобиль йўлларининг барпо этилиши Афғонистон иқтисодиётини тиклашда муҳим аҳамият касб этаётганига эътиборини қаратади.

М.Олкотт, «Ўзбекистон, шубҳасиз, бундан кейин ҳам ўзининг икки томонлама муносабатлари доирасида Афғонистонни иқтисодий ва ижтимоий тиклаш жараёнида муҳим роль ўйнайди», дея ишонч билдирди.

Британия — Ўзбекистон жамияти расиси лорд Ф.Понсонби Ўзбекистон раҳбарияти Афғонистондаги ҳозирги вазиятни чуқур англаши ва уни келажакдаги ривож қилишга қайғураётганини таъкидлаган ҳолда, Ислоҳ Каримов томонидан илгари сурилган БМТ шафелиги остида «6+3» мулоқот гуруҳининг ташкил этилиши афғон муаммосини тинч йўл билан ҳал қилинишида муҳим роль ўйнаган бўлур эди, деб ҳисоблайди. Британиялик сиёсатчининг фикрича, Афғонистондаги ўтиш жараёнида ва бу мамлакатда тинчлик ва барқарорликни таъминлашда барча кўпни давлатларнинг иштироки катта аҳамият касб этади.

Буюк Британиянинг Кембриж университети профессори С.Саксенанинг қайд этишича, Президент Ислоҳ Каримов ўта чигал ва мураккаб ҳисобланмиш афғон муаммосини тинч йўл билан ҳал этиш учун батамом янгича концептуал ёндашувни таклиф этиб, уни содда, лўнда ва кучли мантқиқга таянган ҳолда баён этди. Хуеусан, Ўзбекис-

тон раҳбари асосий эътиборни афғон халқи ва жамиятини жиқлаштиришга қаратиш, ҳар қандай шароитда ҳам, авваламбор, афғон халқининг иродасига таяниш лозимлигини таъкидлади. Айнан мана шундай ижобий ёндашувгина Афғонистонда неча ўн йиллардан буён давом этаётган зуравонлик ва қон тўкилишини тўхтатиши мумкин, деб ҳисоблайди олим.

С.Саксенанинг сўзларига кўра, «Афғонистон, ўз назорати ва гегемониясини ўтказишга ҳаракат қилаётган бошқа давлатлардан фарқли ўлароқ, Ўзбекистондек тинчлик ва ҳамкорликка чорлаётган ишончли қўшниси борлигидан фахурлана арийдир».

«Менга Ислоҳ Каримовнинг Хотира ва қадрлаш кунини билдирган фикрлари, айниқса, уруш инсоният учун нақадар дахшатли қирин экани, бу оғатнинг олдини олиш ва тинчлик-осойишталикни асраш дунёдаги ҳар бир инсоннинг бурчи эканини кўниб айтган сўзлари нўхояда қаттиқ таъсир қилди. — дейди германиялик эксперт Ф.Лемке. — Ўзбекистоннинг тинчликсез вазияти сиёсат юритиши, дунёни қайтадан бўлиб олишга интилаётган давлатларнинг турли хил геосиёсий ўйинларида иштирок этмаслиги ҳам менда катта таасурот қолдирди».

Ф.Лемкеннинг фикрича, Ўзбекистон Президентининг «тинчликсиз ривожланиш бўлмайди, ривожланишсиз эса келажак ҳам бўлмайди» деган сўзларини ҳеч ким инкор эта олмайдди. Шундай экан, Ислоҳ Каримовнинг ўз халқига, қўшни халқлар ва жаҳондаги барча давлатларга Афғонистонда тинчлик ўрнатиш ҳақидаги қақирини эзгулик ва ривожланишга қаратилган таклифларни қўллаб-қувватлаш нақадар муҳим эканилигини, ҳарбий йўл билан ҳеч қандай муаммони ечиб бўлмаглигини англалади.

«Президент Ислоҳ Каримов Ўзбекистон ташқи сиёсатининг асосий принципларини мамлакат мустақиллигининг 22 йиллик байрамини нишонлаш арафасида яна бир бор очик ва равшан баён этди», — дейди Францияда жойлашган Европа келажаги ва хавфсизлигини тақдих қилиш институти раҳбари Э.Дюпюи. Мутахассиснинг сўзларига кўра, Ўзбекистоннинг ҳар қандай ҳарбий-сиёсий блокларда ва ҳарбий интервенцияларда иштирок этмаслик принципи қонуний асосга эга. Тўшкентнинг бундай стратегияси Афғонистон билан икки томонлама ҳамкорлигини янада ривожлантиришга ёрдам беради, дея ишонч билдирди Э.Дюпюи.

Францияда чиқилган «Les milieux des empires» таҳлилий журналининг бош муҳаррири С.д.Изарнинг таъкидлашича, Ислоҳ Каримов интервьюси Ўзбекистон раҳбариятининг Афғонистондаги вазият борасида билдирётган асосли таъкидлаши билан бирга, ҳар қандай шароитда ҳам Ўзбекистоннинг ушбу давлат билан яхши қўшничилик алоқаларида таянадиган қўнғияли позициясини қўрғатади.

2014 йил охирида АЙСЕФ қўшинларининг Афғонистондан олиб чиқилиши вазиятни янада кескинлаштириб юбориши мумкинлигини инобатга олган ҳолда, С.д.Изарн ушбу мулдатга қадар Президент Ислоҳ Каримовнинг умумжафсон сиёсий музокараларини бошлаш ва зарурий келишувларга эришиш керак-

лиги ҳақидаги фикр ва таклифлари жаҳон ҳамжамияти томонидан сўзсиз қўллаб-қувватланиши лозим, деб ҳисоблайди.

Бельгия Сенати аъзоси Доминик Тильманс «Жаҳон» ахборот агентлиги мухбирига берган интервьюсида шундай деди: «Мен Ўзбекистон Президентининг Марказий Осиёда тинчлик ва хавфсизликни мустақамлашга қаратилган иштироки билан мулғоқ ҳамфикрман. Албатта, минтақалаги вазият оддий эмас. Бу борада Ўзбекистоннинг турли ҳарбий блокларга қирмаслик ва уларда қатнашмаслик позицияси мулғоқ тўғри ва долзарбдир».

«Биз Ислоҳ Каримовнинг Хотира ва қадрлаш кунини Ўзбекистон Афғонистонга нисбатан икки халқнинг тўв манфаатларидан келиб чиққан ҳолда сиёсат олиб боради, деган сўзларини тўлиқ қўллаб-қувватлаймиз», дея таъкидлайди Хитойнинг Ижтимоий фанлар академияси хузуридаги Россия, Шарқий Европа ва Марказий Осиёни тақдих этиш институти ходими Су Чан.

Мутахассиснинг фикрига кўра, Хитой ва Ўзбекистон Афғонистоннинг қўшинлари сифатида ушбу мамлакатдан коалицион кучларнинг чиқиб кетишидан сўнг юзага келиши мумкин бўлган салбий вазият борасида жиддий таъкидлашмоқда. «Биз Афғонистон муаммоси фақат афғон халқи томонидан ҳал этилиши, ҳар қандай ташқи кучларнинг аралашуви эса бу мамлакатдаги аҳволни янада оғирлаштириши ва минтақавий хавфсизликка салбий таъсир кўрсатиши мумкин, деб ҳисоблаймиз. Шу билан бирга, Афғонистонга кўрсатилаётган иқтисодий ва гуманитар ёрдамни янада кучайтириш зарур», — дейди Су Чан.

Япониянинг Шарқий Осиё тақдих қилуш институти директори У.Магосакининг фикрича, Ўзбекистоннинг минтақавий хавфсизликни таъминлаш, халқаро терроризм, экстремизм ва гитўванд молдаларнинг ноқонуний айланувига қарши кураш сиёсати Марказий Осиёнинг барқарор ривожланиши учун энг муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

«Ҳақиқатан ҳам, Афғонистондан халқаро кучларнинг олиб чиқиб кетилиши миллатлараро можароларнинг кучайишига ва чуқурлашишига олиб келиши мумкин. Шу сабабдан, Афғонистондаги мавжуд муаммоларни муваққат ҳукумат тузиш ва сайловлар ўтказиш йўли билан ҳал этиш кечиктириб бўлмайдиган вазиға ҳисобланади. Бу мураккаб жараёнда энг муҳим омил — янги сиёсий орган тузиш йўлида Афғонистоннинг турли сиёсий гуруҳлари орасида умумий келишувга эришишдир. Ушбу жараёнда ҳал этувчи бўлин сифатида БМТ ва НАТО каби халқаро ташкилотлар, шунингдек, қўшни мамлакатлар иштирок этиши лозим. Муваққат ҳукуматнинг тузилиши Афғонистонда барқарор давлатчиликни шакллантириш ва кўпмиллатли афғон халқининг тинч тотув янаши учун қўлай шароитлар яратишга имконият тузилади», деб ҳисоблайди У.Магосака.

Япониянинг Нагата университети профессори Шигеки Хакамаданнинг таъкидлашича, Афғонистон ҳудуди ташқи кучларнинг «қатта геосиёсий ўйини» майдони бўлиб қолмоқда — улар Афғонистондаги вазиятдан фойдаланиб ўз таъсир доираларини кенгайтириш ва мавқеларини кучайтиришга ҳаракат

қилишмоқда. Эътиборлиси шундаки, Афғонистондаги вазиятнинг ўта нозиклиги ва унинг олдиндан айтиб бўлмайдиган оқибатларга олиб келишига қарамадан, ҳанузгача жаҳон ҳамжамияти ва расмий Кобул афғон муаммосини ҳал этиш бўйича ягона бир фикрга келмади, дея фикр билдирди япониялик мутахассис.

Малайзиянинг собиқ Ташқи ишлар вазири ўринбосари, «Геракан» партияси раисининг ўринбосари, сенатор Кохилай Пилай Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда минтақавий хавфсизликни таъминлаш борасидаги олиб бораётган сиёсати ва афғон муаммосини ҳал этишдаги ташаббус ва саъй-ҳаракатларини юқори баҳолайди. Унинг фикрича, Афғонистоннинг қўшини сифатида Ўзбекистон бошқа давлатларга нисбатан ушбу мамлакатда рўй бераётган мураккаб сиёсий жараёнларни аниқ ва чуқур ҳис эта олади. Шунинг учун ҳам, Президент Ислоҳ Каримов жаҳон ҳамжамияти эътиборини Афғонистонда ўзаро курашаётган томонлар ўртасида келишувга эришиш зарурлигини ва унинг асосида барча этник ва диний гуруҳлар манфаатини ифода этувчи коалицион ҳукумат тузишга жабб этмоқда. Фақат шу йўл билангина бу мамлакатда тинчлик ўрнатиш мумкин, дея таъкидлайди К.Пилай.

Малайзиялик яна бир эксперт, «Vina» университети профессори Зулфиқри Ҳожи Сентери: «Афғонистонда тинчлик ва барқарорлик ўрнатилиши Ўзбекистон ва Марказий Осиё мамлакатлари учун улкан бозорга эга бўлган Осиё ва Тинч океани давлатларига энг яқин масофа билан чиқиб имкониятини яратди. Бу эса ушбу минтақаларда жойлашган мамлакатлар ўртасида савдо-иқтисодий ва инвестицион алоқаларни янада ривожлантиришга катта туртки беради. Шуларни инобатга олган ҳолда, АСЕАН ташкилотига кирувчи давлатлар ҳам Афғонистонда тинчлик ва осойишталик ўрнатилишидан ғоят манфаатдор», дея таъкидлайди.

Латвияда жойлашган Болтиқ халқаро академияси профессори И.Стеценковнинг сўзларига кўра, Ислоҳ Каримовнинг яхши қўнғиччилик, ўзбек халқининг осойишталиги ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган оқилона сиёсати нафақат Марказий Осиё, балки Европа давлатларининг ҳам тинчлик ва хавфсизлигини таъминлашга катта ҳисса қўшади. «Ишончли комиллик, Ибн Сино, Улўбек, Беруний ва Навоий каби буюк аломаларнинг фалсафаси ва дунёқарашларини ўзида муҳасам этган ўзбек халқи ўз аждодаларининг меросини давом эттирган ҳолда, халқаро ва давлатлар ўртасида тинчликни сақлаш, маланий ва маърифий ҳамкорликни кучайтириш, донишмандлик, одамийлик ва барикенгликни тарғиб этади», — дейди И.Стеценко.

Муҳтасар қилиб айтганда, Президент Ислоҳ Каримовнинг жорий йилнинг 9 май куну Хотира ва қадрлаш куну муносабати билан берган интервьюсида хоржий мамлакатларнинг оммавий ахборот воситалари, сиёсий, академик, эксперт ва таҳлилий доира вакиллари томонидан билдирилаётган фикр-мулоҳазалар Ўзбекистоннинг Афғонистонда тинчлик ўрнатиш, Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш бўйича чуқур ўйланган позицияси жаҳон ҳамжамияти томонидан кенг қўллаб-қувватланаётганини яққол далиллади.

«Жаҳон» ахборот агентлиги.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИ КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИ ТўҒРИСИДА АХБОРОТ

2013 ЙИЛ 31 ИЮЛЬ КУНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИ КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИ БўЛДИ

Мажлисини Олий Мажлис Сенатининг Раиси И.Собиров олиб борди.

Кенгаш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн иккинчи ялпи мажлисини шу йил 22-23 август кунлари Тошкент шаҳрида қақирини тўғрисида қарор қабул қилди.

Сенат ялпи мажлисининг кун тартибига сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг ҳамма соҳаларини изчил ислоҳ қилиш ҳамда либераллаштиришга қаратилган бир қатор Ўзбекистон Республикаси қонунари киритилмоқда. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясига мувофиқ ишлаб чиқилган «Гаров реестри тўғрисида»-ги, «Одамнинг иммуниет танқислиги вирус келтириб чиқарилган касаллик (ОИВ инфекцияси) тарқалишига қарши курашиш тўғрисида»-ги, «Мувофиқликни баҳолаш тўғрисида»-ги, «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси қонунари шулар жумласидан бўлиб, улар тадбиркорлик муҳитини янада яхшилаш ва ривожлантириш, фу-

қароларнинг ҳаёти ва соғлигини муҳофаза қилишни кучайтиришни назарда тутди.

Шу билан бир қаторда, навбатдаги ялпи мажлисда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви раисининг Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг 2012 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботини кўриб чиқиб ҳамда экологик хавфсизликни таъминлаш, апроф-муҳитни ва одамларнинг соғлигини муҳофаза қилишга доир масалаларни муҳокама қилиш режалаштирилмоқда.

Ялпи мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ваколатларига тааллуқли бошқа масалалар ҳам муҳокама қилинади.

Олий Мажлис Сенати қўмиталари ва Девонининг ўн иккинчи ялпи мажлисга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ ишларини мувофиқлантириш учун Кенгаш томонидан тегишли ишчи гуруҳ тузилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Матбуот хизмати.



Фарғона: Юксак талабга юксак масъулият билан

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◀◀

Носир **ТОШЕВ**,
«XXI asr»

Маълумки, халқ депутатлари Фарғона вилоят кенгашининг 2012 йил 14 декабрда бўлиб ўтган навбатдан ташқари сессиясида Президентимиз Ислам Каримов нутқ сўзлаб, жойларда ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, ишлаб чиқариш самардорлигини ошириш, ўрта синф манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш, аҳоли турмуш маданиятини юксалтириш юзасидан долзалб вазифаларни белгилаб берган эдилар. Ҳўш, орадан салкам бир йил ўтгач, Фарғонада бу борада қандай ўзгаришлар юз берди?

— Дарҳақиқат, кенг қўламли ислохотларни чуқурлаштириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун кенг йўл очилиши, жойларда қўлай ишбилармонлик муҳитини шакллантириш «Обод турмуш йили» да белгиланган дастурий вазифаларни амалга оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда, — дейди Фарғона вилояти ҳокими, Олий Мажлис Сенати аъзоси Шухрат Раҳимов. — Ана шуларни инобатга олиб, туман ва шаҳарлар ихтисослашуви, мавжуд инфратузилма, унинг модернизация ва реконструкция қилини истижобларни, фойдаланилмаётган имкониятлар таҳлил этилиб, истиқболли лойиҳалар асосида дастур ишлаб чиқилди.

Ана шу муҳим ҳужжат асосида 1359 та лойиҳа фойдаланишга топширилди. Жами 65,1 млн. АКШ доллари миқдоридagi инвестиция ўзлаштирилди. Натижада 6478 та янги иш ўрни ташкил этилди. Энг асосийси эса аҳоли учун 10 млрд. сўмлик sanoat маҳсулотлари таъриблиб, 5 млрд. сўмга яқин хизматлар кўрсатилди.

Қолаверса, sanoat тармоғида 235 та, хизмат кўрсатиши ва сервис соҳасини ривожлантиришга қаратилган 899 та ва қишлоқ хўжалигини ривожлантириш бўйича 225 та лойиҳа амалга оширилганини таъкидлаш мумкин.

Шунингдек, ички бозорни маҳаллий озиқ-овқат товарлари билан таъминлашни кўзда тутиб дастур доирасида ўтган йилнинг мос даврига нисбатан импортдан олинаётган озиқ-овқат товарлари 20 фоизга камайтирилиб, ўзимизда ишлаб чиқарилаётган озиқ-овқат истеъмол товарлари ҳажмини 27 фоизга оширишга эришилди.

лағлари иқтисод қилинди. Шу билан бир қаторда, солиқ имтиёзлари ва преференциялари ҳисобига уларнинг қарийб 30 млрд. сўм маблағлари тежалди. Бу эса ўз навбатида ишлаб чиқаришни кенгайтириш, замонавий техника ва технологиялар сотиб олишга йўналтирилди.

Ҳа, чиндан ҳам Фарғона вилоятида тадбиркорлар ва фермерлар фаолиятига алоҳи-

лишлар чекка қишлоқларга ҳам кўчмоқда. Шу маънода водий гавҳари саналган худуднинг қай бир гўшасида бўлманг, том маънодаги бунёдкорликка гувоҳ бўласиз. Аини пайтда барча соҳа ва тизимларда ҳам ислохотлар, модернизация жараёнлари кечаётганини кўрасиз.

Президентимизнинг Ўзбекистон галлакорларига йўланган табригида мамла-

томонлама шартномалар имзоланди. Шунга асосан корхоналарда амалиёт ўтаётган 288 нафар битирувчиға касабга уюшма ташкилотлари томонидан 4,6 млн. сўм моддий ёрдам кўрсатилди.

Фарғонада соғлиқни сақлаш тизимида ҳам ана шундай янгиланишлар рўй бермоқда. Хусусан, тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, уларни за-

2013 йил 1 июль ҳолатига фарғона вилоятида жами рўйхатдан ўтган хорижий инвестицияли корхоналар сони 14 тага ортиб, жами 117 тага етган. Улар томонидан 436,8 млрд. сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилиб, ўсиш кўрсаткичи 111 фоизни ташкил этди.

да эътибор қаратилмоқда. Буни маҳсулотлар номенклатурасини кўпайтириш ва янги бозорларни ўзлаштириш бўйича кўрилан қатор чора-тадбирлар ҳисобига 207,7 млн. долларга тенг маҳсулот экспорт қилинганида ҳам кўриш мумкин. Худудий тасарруфдаги корхоналар томонидан эса 65 млн. долларга тенг экспорт амалга оширилиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан қарийб 2 баробарга ўсган.

Яна бир муҳим кўрсаткич: 2013 йил 1 июль ҳолатига вилоятда жами рўйхатдан ўтган хорижий инвестицияли корхоналар сони 14 тага ортиб, жами 117 тага етган. Ушбу корхоналар томонидан 436,8 млрд. сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилиб, ўсиш кўрсаткичи 111 фоизни ташкил этди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 4 январдаги «Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича яқка тартибдаги уй-жойлар қурилишининг 2013 йил Дастури тўғрисида»ги қарорига асосан эса 30 та қишлоқ массивларида 850 та намунавий лойиҳа асосида уй-жойлар қуриш ишлари амалга оширилмоқда.

Шу ўринда «Обод турмуш йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида қурилган чоралар натижасида ўтган 6 ойда аҳолининг тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантириш, оилавий тадбиркорлик ва хунармандчиликни ривожлантириш учун тижорат банклари томонидан 7,1 млрд. сўм миқдорда кредит маблағлари ажратилганини алоҳида қайд этиш лозим. Бу эса шубҳасиз, вилоятда минг-минглаб иш ўрни яратиш, маҳсулотлар ҳажмини ошириш, бир сўз билан айтганда, вилоят иқтисодиётини мустаҳкамлаш имконини берапти.

Юқорида таъкидланганидек, бугун Фарғонада туб ўзгаришлар юз бермоқда. Кўчалар, ҳиёбонлардаги улкан қури-

кат тарихида илк бор 7 миллион 610 минг тоннадан зиёд дон ҳосили етиштирилгани, бунда гектаридан 60-75 центнердан ҳосил етиштирилган илгор туманлар қаторида Фарғона вилоятининг Тошлоқ тумани ҳам тилга олингани ҳам бежиз эмас, албатта. Бу, шак-шубҳасиз, Юртбошимиз томонидан белгилаб берилган оқилонга сиёсатнинг, ислохотлар изчиллигининг Фарғона вилоятида юксак самара бераётгани натижасидир.

Аини кунда вилоятда 3 миллиондан зиёд киши истиқомат қилаёпти. Бу эса мавжуд ресурслардан унумли фойдаланиш, қишлоққа sanoat олиб кириш, маҳаллий хом ашё ҳисобига ишлайдиган кичик корхоналар ва мини-фабрикалар тармоғини янада кенгайтириш эвазига янги иш ўринлари ташкил қилишни тақозо этади. Тўғри, Бувайда, Риштон, Учкўприк, Бешариқ туманлари, шунингдек, Марғилон, Қўқон, Қувасой шаҳарларида аини шу йўналишда муайян натижаларга эришилаётган. Жорий йилнинг январь-май ойлари давомида 38740 та янги иш ўрни барпо қилинган, уларнинг асосий қисми кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, касаначилик ва фермер хўжаликлари ҳиссасига тўғри келгани ҳам фикримизга мисол бўлиши мумкин. Аҳолининг тадбиркорлик соҳасидаги фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлаш, шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликлари ривожлантириш ҳам доимий эътиборда. Ана шу мақсадлар учун ҳозиргача вилоят банклари томонидан 12,9 млрд. сўмдан зиёд маблағ ажратилди.

Касб-хунар коллежларининг битирувчиларига ҳам Фарғонада бутунги талаба — эртанги етуқ, малакали мутахассис қабилда ёндашилаётганини таъкидлаш лозим. Жорий ўқув йилида коллежларни тугатган 59279 нафар йигит-қиздан 58721 нафари билан уч

монавий ташхис ва даволаш ускуналари билан таъминлаш, илгор тиббий технологияларни амалиётда кенг қўлаш давом этмоқда. Ўтган қисқа давр мобайнида ана шу мақсадлар учун 10,5 млрд. сўм, 190,8 минг АКШ доллари миқдорда сармоя йўналтирилди. Бундай мисолларни қўлаб келтириш мумкин, албатта. Дейлик, кейинги йилларда уй-жой қурилишини жадаллаштириш, замонавий муҳандислик-коммуникация тармоқларини кенгайтириш, аҳоли учун қўлай маданий-маиший шароитлар яратишга ҳар қачонгидан катта аҳамият қаратилмоқда. Аслида ислохотлардан қўзланган эзгу мақсад ҳам ана шундир.

— Истиқдол шарофати билан ўзбек аёлининг жами-гайтириш эвазига янги иш ўринлари ташкил қилишни тақозо этади. Тўғри, Бувайда, Риштон, Учкўприк, Бешариқ туманлари, шунингдек, Марғилон, Қўқон, Қувасой шаҳар филиалларидан 6 нафар хотин-қизга 105 млн. сўм миқдорда кредит олишда амалий ёрдам кўрсатилди. Умуман, ҳозиргача фарғоналик тадбиркор аёлларга банклар томонидан 1,021 млн. сўм миқдорда имтиёзли кредитлар ажратилди.

Бир сўз билан айтганда, фарғоналик истиқбол сари шаҳдам одим ташламоқдалар. Шундай фидойи инсонлар бор экан, ютуқлар ютуқларга уланишига, мустақилликнинг 22 йиллиги ёруғ юз билан кутиб олиншига асло шубҳа йўқ.

ДЕПУТАТЛАРНИНГ
ФИКРИДА,
БУНДАЙ
ЁНДАШУВ
ФЕРМЕР
ХЎЖАЛИКЛАРИДА
ҚИШЛОҚ
ХЎЖАЛИГИ
МАҲСУЛОТЛАРИНИ
ИШЛАБ
ЧИҚАРИШ
КЎЛАМИНИ
КЕНГАЙТИРИШ,
ШУ ЖУМЛАДАН,
УЛАРНИ
РЕАЛИЗАЦИЯ
ҚИЛИШ, ҚИШЛОҚ
ЖОЙЛАРДА
ЗАРУР БЎЛГАН
ИШЛАРНИ
БАЖАРИШ ВА
ХИЗМАТЛАРНИ
КЎРСАТИШГА
КЎМАКЛАШАДИ.



Фермерлик ҳаракати — ҳал қилувчи ижтимоий- сиёсий куч

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◀◀

Озод **РАҲАБОВ**,
«XXI asr»

Бу жараён эса шубҳасиз, молиявий ресурслар мавжуд бўлгандагина амалга ошади. Бошқача айтганда, тараққиётнинг сармоясиз тасаввур этиб бўлмайди. «Қишлоқ қурилиш банк» очик акциядорлик-тижорат банки ҳам ана шундай талаблардан келиб чиқиб, халқ хўжалиғи тармоқларини молиявий жиҳатдан ўз вақтида қўллаб-қувватламоқда. Бу эса ижобий самара бераётган. Мижозларнинг банкка бўлган ишончи ортиб бораётганлиги ҳам бежиз эмас. Мисол учун, Қашқадарёдаги «Бахт-омад» таъминот-савдо ишлаб чиқариш корхонаси ўз фаолиятини 2001 йилда 4 нафар ходим билан бошлаган эди. Иккинчи йил муқаддам «Қишлоқ қурилиш банк» томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ўртасида ўтказилган «Энг яхши бизнес-режа» кўриктанловидида «Бахт-омад» таъминот-савдо ишлаб чиқариш корхонаси ҳам қатнашиб, фахрли 1 ўринни эгаллади ва 83 млн. сўм (фонз ставкаси Марказий банк қайта молиялаш ставкасининг 50 фоизи баробарида) миқдорида имтиёзли, энг асосийси эса узоқ муддатли кредит олиш ҳуқуқини қўлга киритди. Шу ҳисобдан зарур хом

ашё ва дастоҳлар харид қилинди, ишлаб чиқариш босқичма-босқич йўлга қўйилди. Айни пайтда бу ерда тайёрланаётган сифатли қурилиш материаллари, хусусан, профнастилга талаб ортиб бораёпти. Маълумки, Қашқадарё вилояти Амурдёр ва Зарафшон дарёлари ўртасида жойлашган бўлиб, табиий хом ашё захиралигига бойдир. Бу эса маҳаллий саноатни ривожлантириш, аҳолининг бандлик даражасини оширишда муҳим аҳамият касб этаёпти. Хусусан, вилоятда Президентимизнинг 2009 йил 29 январдаги «Маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлашга жиддий эътибор қаратилаётганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Ушбу қарор асосида бир қатор саноат корхоналари ўз қаддини тиклаб олиб, истиқбол сари юз тутмоқда. Натижала ишлаб чиқариш ҳажми ортиб, аҳолининг турмуш фаровонлиги юксалмоқда. Банк сармоялари ҳисобига янги турар-жой бинолари, таълим, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш муассасалари

барпо этилаётганлиги ҳам шундан далолат беради.

Юқорида номи тилга олинган «Бахт-омад» корхонаси фаолиятига оид лойиҳани молиялаштириш натижасида 6 та янги иш ўрни яратилди. Айни кунда бу ерда 10 киши меҳнат қилмоқда.

Улардан 2 нафари касб-хўнара коллеж битирувчиларидир. Энг муҳими, банк кредити ҳисобига нафақат Қарши шаҳри, балки қўшни вилоятлар аҳолисининг ҳам зарур қурилиш ашёси — профнастилга бўлган эҳтиёжи ўз вақтида қондирила бошланди. Шуларни назарда тутган ҳолда, жорий йилнинг ўзида корхонага банк томонидан яна 200 млн. сўм миқдорида кредит ажратилди.

Бир сўз билан айтганда, мамлакатимиз молия бозорига ўз ўрнини тобора мустақамлашган «Қишлоқ қурилиш банк» очик акциядорлик-тижорат банки мамлакатимиз иқтисодиётини янада ривожлантиришга салмоқли ҳисса қўшаёпти. Бунга эса доимий изланиш, илғор тажрибаларни амалиётда кенг қўллаш тўғрисида эришилмоқда.

Банк маъбуот хизмати.

Хабарлар

ҚАШҚАДАРЁДАГИ МУЛҚДОР ОИЛАГА КЕНГ ЙўЛ

«Обод турмуш йили»да Қашқадарё вилоятидаги тижорат банклари томонидан ажратилиши кўзда тутилган 263 млрд. сўм кредитнинг 28 миллиард сўми оилавий тадбиркорликни ташкил этишга йўналтирилади. O'zLiDeP томонидан таъсис этилган «Мулқдор оила» лойиҳаси ҳам оилавий бизнес билан шуғулланаётган тадбиркорлар учун илғор тажриба ва инновациялар, табиий ва муқобил энергия манбаларидан кенг фойдаланишда қўшимча имкониятлар яратмоқда. Утган йилда ана шу лойиҳанинг вилоят босқичи доирасида 298 млн. сўмда эътибор кўрсатиб, 63 та янги иш ўрни яратилган эди. 2013 йилда эса лойиҳанинг туман ва шаҳар босқичларида иштирок этган 300 нафарга яқин катнашчи орасидан 78 та бизнес-режа муаллифлари саралаб олинди. Лойиҳа якунида уларнинг 1 миллиард сўмга тенг бўлган бизнес-режалари молиялаштирилиб, 150 та иш ўрни ташкил этиш имкони яратилди.

СУРХОНДАРЁДА ГўШТ ЯНАДА КўНАЯДИ

Бойсун туманидаги «Файз-Рамз» фермер хўжалигининг гўштини қайта ишлаш корхонасида ҳар куни ярим тонна махсулот сотувга чиқарила бошланди. Корхоналарни техник ва технология жиҳатдан модернизациялашга алоҳида эътибор қаратилаётгани натижасида вилоятда яна учта хусусий гўштин қайта ишлаш корхона қуриш кўзда тутилмоқда. Воҳда чорва моллари кўпайиб бораётгани хусусий секторда гўштин қайта ишлаш, қадокланган маҳсулот ишлаб чиқаришда асосий омил бўлаёпти. Мутахассисларнинг фикрича, жорий йилнинг биринчи ярмида 58,6 минг тонна гўш ишлаб чиқарилган. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 4,4 минг тоннага кўйдир. Фарход ТОШБОЕВ.

ҚАДР-ҚИММАТИМ, ТАЯНЧИМ ВА ИФТИХОРИМСАН, МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН!



Пойтахтимиздаги «Болажон» истироҳат боғи

ЭКОЛОГИК НАЗОРАТ — ДАВР ТАЛАБИ
Фуқаролик жамиятини мониторинг қилиш мустақил институти Қашқадарё ҳудудий бўлими ташаббуси билан «Жамоатчилик экологик назоратини амалга оширишдаги халқаро тажриба» мавзусида давра суҳбати ташкил этилди. «Экологик назорат тўғрисида»ги қонун лойиҳаси муҳокамага бағишланган ушбу тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Шоира Ҳайдарова, Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти ўқитувчиси Шухрат Муродов, O'zLiDeP вилоят кенгаши Депутатлик гуруҳлари билан ишлаш сектори мудири Дилшод Турмунов сўзга чиқиб, янги қонун лойиҳаси нормалари жамоат ташкилотларининг атраф-муҳити муҳофазасида қилиш тизими ва экологик муаммоларни ҳал этиш жараёнидаги иштирокининг ҳуқуқий асосини янада мустақамлашга хизмат қилишини таъкидладилар. Президентимизнинг «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»да белгилаб берилган устувор вазифалар асосида фуқаролик жамияти институти, нодавлат нотижорат ташкилотлар, шу жумладан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг атраф-муҳит муҳофазасини таъминлаш тизимидаги ролини аниқ белгилашда муҳим аҳамият касб этадиган қонун лойиҳаси яратилди, — деди O'zLiDeP фракцияси аъзоси Шоира Ҳайдарова. — Уни ишлаб чиқиш жараёнида Германия, Франция, Буюк Британия, АКШ, Россия, Польша, Венгрия, Словакия, Чехия ҳамда Осиёдаги ривожланган давлатлар тажрибаси ҳам танқидий нуқта назардан ўрганилди. Бугунги мулоқотда билдирилган тақлиф-мулоҳазалар эса қонунни иккинчи ўқишга тайёрлашда ишчи гуруҳ томонидан албатта инобатга олинади. Давра суҳбатда, шунингдек, мамлакатнинг экологик қонунчилигини халқаро ҳуқуқ принциплари ва нормаларига уйғунлаштиришга йўналтирилган экологик сиёсатнинг асосий йўналишларини ўзида қамраб олган янги қонун лойиҳаси чуқур ўрганилиши зарурлиги ҳам алоҳида уқтириб ўтилди. Сайфулла ИКРОМОВ.

ИМЛИЙ МОЛИЯ БОЗОРИДА ЎЗ ўРНИНИ ТОБОРА МУСТАҚАМЛАЁТГАН «ҚИШЛОҚ ҚУРИЛИШ БАНК» ОЧИК АКЦИЯДОРЛИК-ТИЖОРАТ БАНКИ МАМЛАКАТИМИЗ ИҚТИСОДИЁТИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШГА САЛМОҚЛИ ҲИССА ҚўШАЙТИ.

ХАБАРЛАР

«ОҚ КўЕШ ЖИЛВАСИ» АССОСАН ХОТИН-ҚИЗЛАРГА

Фарғона вилоятининг Учкўприк туманида ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда. — Олтмиш миллион сўмлик имтиёзли кредит ҳисобига бўш ётган бинони таъмирлади, — дейди «Оқ кўеш жилваси» хусусий корхонаси раҳбари Одилжон Аҳмаджонов. — Айни пайтда 17 та замонавий тикув дасгоҳларида 4 турдаги кийим-кечак маҳсулотлари тайёрланади. Таъкидлаш жоиз, «Обод турмуш йили»нинг иккинчи ярмида иш бошлаган мазкур корхонада 25 нафар хотин-қиз иш билан таъминланган. Уларнинг 5 нафари касб-хўнара коллежи битирувчиси.

«ХўНАРЛИ КИШИНИНГ РўЗГОРИ БўТ, КЕЛАЖАГИ ОБОД»

Мустақиллигимизнинг йигирма икки йиллик шодийнасига атаб Андижон вилоятининг Пахтабод туман ҳокимлиги ва маҳаллий тадбиркорлар ташаббуси билан ўтказилган кўргазмали тадбир ана шундай номланди. — Оилавий тадбиркорлик билан шуғулланамиз, — дейди Мадаммин Йўлдошев. — Училларим бешик ясашса, келинларим бешикқўчқор, кўрпачалар тикади. Бугунги кўргазмада бешикчиликка қизиқиш билдирган ёшларни кўриб, гуруҳларини шогирдликка олдим. — Кўргазмада чеварчиликка қизиқётган ёш қизлардан 10 нафарини ишга тақлиф этдим, — дейди яна бир тадбиркор Наргиза Маматминова. — Ҳадемай улар ҳам қўли гул чевар бўлиб, ўз бизнесларини йўлга қўйишларига ишонман. Тадбир маданият ва истироҳат боғидаги концерт намойишларига уланиб кетди.

«ЕШ ТАДБИРКОР — ЭЛГА МАДАДКОР»

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Фарғона вилоят бошқармаси ва «Камолот» ЕИХ ҳамкорлигида «Еш тадбиркор — элга мададкор» лойиҳасининг вилоят босқичи якунида. Унда 18 ёшдан 30 ёшгача бўлган, туман ва шаҳар босқичларидан муваффақиятли ўтган 30 нафар ёш ўз бизнес-режаси билан иштирок этди. — Жуда кўп ёшларни жалб этган тадбирда «Нон ва қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш» номли бизнес лойиҳа билан иштирок этдим, — дейди Исломбек Усмонов. — Келажакда ўз корхонамини очиб, қамада 15 та янги иш ўрни яратишни режалаштиряман. Голиблар лойиҳанинг Республика босқичига йўлланма олдлар. Аҳроржон МУСУРМОНОВ.

Сўлларга суяниш хавфли

СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР ФАОЛИЯТИГА ДОИР ТАҲЛИЛЛАР ЖАҲОН СИЁСИЙ МАЙДОНИДА ИҚТИСОДИЙ ВА МУЛКИЙ МУНОСАБАТЛАР, ЯЪНИ КУЧЛИ БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ ТАРАФДОРИ БЎЛГАН ПАРТИЯЛАРГА ИШОНЧ ТОБОРА ОРТИБ БОРАЁТГАНИНИ КЎРСАТАЯПТИ

Ақбар МУЗАФФАРОВ, «XXI asr»

Халқаро экспертларнинг фикрича, турли ғоя, мақсад ва вазибаларни илгари сураётган партиялар ўртасидаги кураш XXI асрга келиб янада кескинлашмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, глобал молиявий-иқтисодий инқироз ҳам дунё сиёсий майдонидаги кучлар қарама-қаршилиги, бошқача айтганда, улар мувоzanатига ҳам сезиларли даражада таъсир кўрсатди. Аммо тан олиш жоиз: асосан кучли бозор иқтисодиёти тарафдори бўлган ўнглаб кучли ижтимоий ёрдам талабгорлари — сўллар ўртасида кечаётган курашда кўпичча ўнглаб кўли балан келаяпти. Масалан, Япония парламентининг юқори палатасига ўтказилган навбатдаги сайлов натижалари ҳам кўпчилик овоз билан айнан ўнглаб, яъни либерал-демократларнинг депутатлик ўринларини қўлга киритганларини кўрсатапти. Бу яна бир қарра аксарият давлатларида сўллар ва уларнинг баландпарвоз ваъдаларига ишонч сўнаётганидан далолатдир.

Маълумки, сиёсий партияларнинг ўнг ёки сўлларга бўлиниш жараёни 250 йилдан зиёд тарихга эга. Айрим таҳлилчилар буни XVIII асрдаги Франция парламентариэми билан боғласалар, бошқа тоифа олимлар Оливер Кромвелнинг Англиядаги инқилобий парламенти даврини ана шу тарихнинг бошланиши, деб ҳисоблайдилар. Ёдингизда бўлса, Генерал Штатларнинг 1789 йили бўлиб ўтган биринчи мажлисида аристократ-монархистлар спикерининг ўнг томонидан, учинчи табақанинг радикал вакиллари эса чап томондан жой эгаллагандилар. Франция парламенти хос бўлган бундай анъана кейин ҳам давом этди. Шундан бери «ўнг» ва «сўл» тупунчалари сиёсий партиялар тарихидан муқим жой олди. Қисқаси, бундай бўлиниш илдизлари 1789 йилги француз инқилобига, бошқача айтганда, у эълон қил-

ган «Эркинлик, тенглик, Биродарлик» шioriга партиялар томонидан билдирилган муносабатга бориб тақалади. Шу ўринда сўл қанот партиялари ижтимоий тенгликка эришиш учун ҳатто эркинликдан ҳам қисман воз кечиш мумкин, деб ҳисоблаганларини қайл этиш жоиз. Айни пайтда социал-демократлар, социалистлар, коммунистлар, социал-инқилобчилар ва шу йўналишдаги бошқа бир қатор сиёсий кучлар ўзларини сўл партиялар, деб атайдилар. Уларнинг стратегик мақсадлари бир-бирдан фарқ қилади, ал-

Грецияда ҳам ижтимоий тенгсизликнинг кучайгани бот-бот тилга олина бошлади. Сўлларнинг аҳолига ижтимоий ёрдам кўрсатишни янада кучайтириш тўғрисидаги сафсаталари қарамай, жамиятда камбағаллар сони кескин ошиб кетди. Мамлакатнинг асосий ишлаб чиқарувчилари саналган талбиркор ва фермерлар белгиланган солиқ юкини ҳам кўтаролмай қолдилар. Ҳатто мамлакатни Евроҳудуддан чиқариш масаласи кун тартибига қўйилди. Охириқабат навбатдаги сайловларда ўнг марказчи — «Янги демокра-

БУ ИККИ КУЧ ЎРТАСИДАГИ ТОРТИШУВЛАРДА МУҲИМ ЎРИН ЭГАЛЛАГАН ЯНА БИР МАСАЛА БОР. БУ — ХУСУСИЙ МУЛККА БЎЛГАН МУНОСАБАТДИР. ЎНГЛАР — ЛИБЕРАЛЛАР ХУСУСИЙ МУЛК, ЯЪНИ МУЛККА ЭГАЛИК ҚИЛИШ ҲАҚИҚИЙ ЭРКИНЛИКНИНГ, ҚОЛАВЕРСА, ХАЛҚ ТУРМУШ ФАРОВОНЛИГИНИНГ АСОСИ, ДЕБ ҚАРАСАЛАР, СЎЛЛАР АЙНАН ХУСУСИЙ МУЛКНИ ЖАМИЯТДАГИ МАВЖУД МУАММОЛАРНИНГ БОШИ САБАБЧИСИ ҚИЛИБ КЎРСАТИШАДИ.

батта. Аммо сўлларнинг ажлодлари утопистлар, инқилобчилар ва романтиклар бўлишганини ҳам ёлдан чиқармаслик керак. Сиёсий соҳада иқтисодий мақсадларни устун қўядиган кучлар эса ўнглаб саналади.

Бу икки куч ўртасидаги тортишувларда муқим ўрин эгаллаган яна бир масала бор. Бу — хусусий мулкка бўлган муносабатдир. Ўнглаб — либераллар хусусий мулк, яъни мулкка эгаллик қилиш ҲАҚИҚИЙ ЭРКИНЛИКНИНГ, ҚОЛАВЕРСА, ХАЛҚ ТУРМУШ ФАРОВОНЛИГИНИНГ АСОСИ, ДЕБ ҚАРАСАЛАР, СЎЛЛАР АЙНАН ХУСУСИЙ МУЛКНИ ЖАМИЯТДАГИ МАВЖУД МУАММОЛАРНИНГ БОШИ САБАБЧИСИ ҚИЛИБ КЎРСАТИШАДИ. Сўлларнинг хусусий мулкни инкор этишига қаратилган тенглик ғояси аслида пуч эканини 70 йиллик шўро бошқаруви даври ҳам кўрсатди, десак хато қилмаган бўламиз.

Ҳатто яқин вақтларгача сўллар мавқеи юқори бўлган

тия» партияси 30 фоизга яқин овоз олиб, ғалаба қозонди. Эслатиб ўтамуз: Греция Европанинг глобал молиявий-иқтисодий инқироздан энг кўп зарар кўрган мамлақати ҳисобланади.

Кучли эксперт ва таҳлилчиларнинг қайл этишларича, бугунга келиб ён-атрофда рўй бераётган воқеа-ҳодисаларга берафқ бўлмаган сиёсий партиялари бўлган давлатларгина барқарор фуқаролик жамияти қуришининг улдасидан чиқа олаётдилар. Албатта, бунда сўз кўппартиявийлик тизими ва унинг изчил ривожланиши ҳақида кетаяпти. Зеро, мазкур тизимда сиёсий рақобатбардошлик мамлакатни тараққиёт сари етаклаши тажрибада ўз исботини топапти.

Ақсична, битта партия ҳукмрон бўлганда бахс-мунозараларга ўрин қолмайди. Тўғри, Хитойда давлат бошқаруви асосан битта партия томонидан



амалга оширилади. Шундай бўлса-да, бу жараён мамлакатнинг иқтисодий ўсиш кўрсаткичларига таъсир кўрсатмаётгани кўпчилик экспертлар эътиборини тортапти. Таҳлилчилар бу ҳолатни партиянинг нуфузи ўта юқорилиги ва ҳукумат тепасига келган раҳбар, энг аввало, мамлакатнинг иқтисодий барқарорлигини янада мустаҳкамлашга асосий эътибор қаратаётгани билан изоҳламақдалар. Партиянинг яна бир ютуғи — бу, сўзсиз, ўз ғояларининг бош тарғиботчиси бўлган матбуотга кучли эътибор билан боғлиқ. Айни пайтда партия муассислигидаги «Женмин Жибао» газеталарида мингдан зиёд журналист фаолият юритмоқда. Умумий тиражи 2 млн. 800 мингташи ташкил этаётган ишбу напир ҳар йили ўз ўқувчилари сонини ҳам ошириб борапти.

Аммо ана шундай алоҳида ҳолатларга қарамай, жаҳон сиёсий майдонидаги ўзгаришлар XX асрнинг 50-йилларидан бошлаб дунёнинг етакчи давлатларида, хусусан, Фарбий Европада ҳокимиятни асосан ўнг партиялар бошқараётганини кўрсатмоқда. Бунга асосий сабаб иқтисодий тарққиётга айнан ўнг партиялар ғояси билан эришилётганидир. Саноати изчил ривожланаётган давлатларнинг сиёсий ҳаётида ҳам либерал-демократик партияларнинг ўрни жуда муҳимдир. Хусусан, Германия, Италия, Финляндия, Дания, Бразилия, Исландия, Швейцария каби иқтисодиёти барқарор мамлакатларда ҳам либераллар ўз ҳукмронлигини ўрнатган. Бир қатор давлатларда эса бу тизим вакиллари, ҳеч бўлмаса, етакчи муҳолифат сифатида фаолият олиб борапти.

Францияда ҳам социалистларнинг узоқ йиллик ҳукмронлиги мамлакатни турғунлик домига ботирганини бир эсга олайлик. 2007 йилнинг 6 майида эса 53 фоиз сайловчилар либерал сиёсати Николя Саркозига овоз бердилар. Саркози ҳукумат тепасига келмасдан бурун Францияда ишсизлик даражаси 8,3 фоиз атрофида эди.

Германияда ҳам социал-демократлар ўз ҳатолари эвазига аввал маҳаллий ўлкаларда, сўнгра федерал сайловларда мағлубият аламини тортдилар. Чунки сўллар сайловли кампанияси даврида ишсизликни қамайтириб, ижтимоий ҳимоя учун давлат сармояларини қўлайтириш, экологик вазиятни яхшилашга ваъда берган бўлсалар-да, бу ишни улдалай олмадилар. Социал-демократлар даврида мамлакатда ишсизлар сони 4 млн.дан ошиб кетди. Бу оз эмас, кўп эмас меҳнатга лўқатли аҳолининг 11 фоизини ташкил этади. Натижада 2005-2009 йилларда бўлиб ўтган сайловларда кетма-кет ўнг қанот — Христи-

ан-демократлар иттифоқи кичик фарқ билан социал-демократларни мағлуб этиб, коалицион ҳукумат тузишга эришилди. Ушунда Федерал канцлер Меркель хоним «Фақат қора-сариклар (либераллар назарда тутилмоқда) иттифоқи қиғина мамлакатни иқтисодий бўҳрондан қутқаришга қодир» деган фикрни билдирган эди. Чунки фақат ўнг партияларгина мамлакатда талбиркор ва фермерлар учун катта имтиёзлар бериш ғоясини илгари сураётган эди.

Хуллас, аниқ стратегиянинг йўқлиги, фақатгина радикал ғоялар билан майдонга чиқиш, амалда ўз ваъдаларини бажармаслик, анъанавий қадриятлардан воз кеча олмаслик ва ўз вақтида уларни очиқ ҳимоя қилмаслик, либералларнинг ҳар қандай ғоя ва таклифларини инкор қилишдаги иккиланчилик сўллар обрўсини тунира бошлади. Либерал партиялар эса ўз дастурларида асосий эътиборни инсоннинг индивидуал эркинлигига қаратишда давом этмоқдалар.

Аслида либерализм баъзи бир сўл қанот вакиллари таъкидлаётганидек, чек-чегарасиз эркинлик дегани эмас, балки ўзгалар ҳақ-ҳуқуқларини поймол қилмаслик, деганидир. Либерал партия, яъни ўнглаб шахс манфаатини ҳурмат қилган ҳолда жин-

сий, ирқий, ижтимоий келиб чиқилишдан қатъи назар барчанинг қонун олдида тенглиги тарафдоридилар. Плурализм улар учун табиий ҳол саналади. Либералларнинг фикрича, ҳар бир инсон қарашлари инобатта олиниши лозим. Энг муҳими эса улар иқтисодиётда бозор эркинлигини, мулкни хусусийлаштиришни, давлатнинг талбиркорлар фаолиятига аралашувини қамайтиришни бугунга келиб ҳам изчил ёқламоқдалар.

Океанортидаги айрим мамлакатлар сиёсий ҳаётига назар ташласак, бу ерда ҳам либерал ғоялар мамлакат ривожига бирламчи аҳамият касб этаётганига ғувоб бўлиш мумкин. Хусусан, Канадада 1867 йилда ташкил топган либерал партия энг қадимги ва йирик партиялардан саналади. Аввалига эркин савдо ва Буюк Британиядан мустақилликни талаб қилувчиларни бирлаштирган мазкур сиёсий куч индор қайлиқ ва таклифларини инкор қилишдаги иккиланчилик сўллар обрўсини тунира бошлади. Либерал партиялар эса ўз дастурларида асосий эътиборни инсоннинг индивидуал эркинлигига қаратишда давом этмоқдалар.

Аслида либерализм баъзи бир сўл қанот вакиллари таъкидлаётганидек, чек-чегарасиз эркинлик дегани эмас, балки ўзгалар ҳақ-ҳуқуқларини поймол қилмаслик, деганидир. Либерал партия, яъни ўнглаб шахс манфаатини ҳурмат қилган ҳолда жин-

Хулди ана шундай тамойилларга қўнчиқар юрт — Японияда ҳам амал қилинапти. Яқинда бўлиб ўтган парламент сайловларида қузатилган натижа ҳам мамлакатда сўл партияларнинг обрўйи тушиб бораётганини лозим. Энг муҳими эса улар иқтисодиётда бозор эркинлигини, мулкни хусусийлаштиришни, давлатнинг талбиркорлар фаолиятига аралашувини қамайтиришни бугунга келиб ҳам изчил ёқламоқдалар.

Океанортидаги айрим мамлакатлар сиёсий ҳаётига назар ташласак, бу ерда ҳам либерал ғоялар мамлакат ривожига бирламчи аҳамият касб этаётганига ғувоб бўлиш мумкин. Хусусан, Канадада 1867 йилда ташкил топган либерал партия энг қадимги ва йирик партиялардан саналади. Аввалига эркин савдо ва Буюк Британиядан мустақилликни талаб қилувчиларни бирлаштирган мазкур сиёсий куч индор қайлиқ ва таклифларини инкор қилишдаги иккиланчилик сўллар обрўсини тунира бошлади. Либерал партиялар эса ўз дастурларида асосий эътиборни инсоннинг индивидуал эркинлигига қаратишда давом этмоқдалар.

Аслида либерализм баъзи бир сўл қанот вакиллари таъкидлаётганидек, чек-чегарасиз эркинлик дегани эмас, балки ўзгалар ҳақ-ҳуқуқларини поймол қилмаслик, деганидир. Либерал партия, яъни ўнглаб шахс манфаатини ҳурмат қилган ҳолда жин-

Ижтимоий реклама

Диққат, танлов!

«ЖУРНАЛИСТИКА — ИЖОДИЙ ФАН»

Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси, Олий ва ўрта махусе таълим вазирлиги, фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ҳамда Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси ҳамкорликда журналистика ва ахборот соҳаларида амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларнинг илмий асосларини янада такомиллаштириш, юксак савияда илмий-амалий фаолият кўрсатаётган мутахассисларни рағбатлантириш, соҳанинг назарий ва амалий йўналишларини ривожлантириш, журналистлар ва талабаларга илмий ва ижодий салоҳиятини шакллантириш ҳамда соҳа кадрларининг малакаси ва маҳоратини ошириш мақсадида «Журналистика — ижодий фан» танловини ўтказлади.

Мазкур танлов йўналишлари қуйидагича:

- журналистика ва ахборот соҳаларининг фундаментал ва илмий-амалий асосларини ривожлантириш бўйича энг яхши илмий-тадқиқот иши;
- журналистика соҳасида тайёрланган энг яхши илмий асар, ўқув-услубий адабиёт ва илмий-амалий-таҳлилий мақола ҳамда соҳанинг амалий-ижодий йўналишлари бўйича материал;
- ОАВ учун кадрлар тайёрлаш ва журналистларнинг малакасини оширишда салмоқли ютуқларга эришган намунали маҳорат мактаби, ижодий марказ ва ўқув лаборатория раҳбари;
- журналистика ва ахборот соҳалари бўйича энг яхши мағистрлик иши муаллифи ва илмий раҳбари.

Танловга журналистика ва ахборот соҳаларида 2012-2013 йилларда нашр этилган илмий асарлар, ўқув-услубий адабиётлар, илмий-таҳлилий мақолалар, мағистрлик диссертациялари ва бошқа тегишли материаллар 2013 йилнинг 1 ноябргача ташкилий қўмита томонидан ҳар ҳафтанинг чоршанба кунин соат 15.00 дан 18.00 гача қабул қилинади.

Танловга тегишли ташкилотлар томонидан тавсия этилган ишлар йўлланма хати билан қуйидаги ҳужжатлар илова қилинган ҳолда тақдим этилади (йўлланма хатда муаллифлар ва уларнинг ижодий фаолияти тўғрисида ҳам маълумот берилиши лозим):

- танловда қўриб чиқиш учун тавсия этилаётган материал(лар);
- муаллиф(лар) ва у(лар)нинг илмий раҳбар(лар)и паспорт нусхаси.

Танлов ғолиблари ва соғирдорларини тақдирлаш Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 22 йиллиги арафасида амалга оширилиб, уларнинг рўйхати матбуотда эълон қилинади.

Танловга тақдим этилаётган ишлар «Журналистика — ижодий фан» танловига деб кўрсатилган ҳолда қуйидаги манзилага топширилиши лозим: 100047, Тошкент ш., Я.Ғулумов кўчаси, 70-уй, 5-хона. Тел: 233-79-23.

Воқеалар, галимлар, шарҳлар

ИШСИЗЛИК ЧЕКИНАЯПТИ. АММО...



Кейинги икки йилда глобал инқироздан азият чекаётган Испанияда ишсизлик даражаси илк бор пасая бошлади. Испания Миллий статистика институти маълумотларига кўра, жорий йилнинг иккинчи чорагида 149 минг янги иш ўрни ташкил этилган. Бош вазир Мариано Рахоннинг мамлакат иқтисодиёти тикланаётгани ҳақидаги мулоҳазалари шу маънода ўз исботини топмоқда, дейиш мумкин. Аммо ҳукумат йил охиригача иқтисодий тўлиқ тикланишга умид билдирмаётган бўлса-да, асосий кўрсаткичлар 83 мавсумида яхшиланиб, август ойидан яна аввалги ҳолига қайтаётганини унутмаслик керак. Испанияда Европа Иттифоқидаги ишсизларнинг бешдан бир қисми истикомат қилаётгани ҳам таҳлилчиларни хавотирга солапти.

ФАЛАСТИН ВА ИСРОИЛ: «ТИНЧЛИК БЎЛУР БАРҚАРОР»



Халқаро шарҳловчилар Вашингтон шахрида Исроил ва Фаластин ҳукуматлари ўртасида тинчлик музокаралари бошлангани ва тарафлар 3 йил мобайнида илк мартаба музокаралар столига ўтирганларини таъкидламоқдалар. Мазкур музокараларнинг бошланиши учун Исроил Фаластин ҳукумати шартларига қўйиб, 104 нафар Фаластинлик маҳбусни озод қилишга ваъда қилди. Мамлакат бош вазири Биньямин Нетаньяху қамалган Фаластинлик террорчилар озод этилишини расман эълон қилиб, Фаластин ҳукумати тинчлик музокараларини давом эттиришга умид билдирди. Исроил мутасаддиларининг таъкидлашича, тинчлик исбағиди Исроил Фаластинликларга 1967 йилда босиб олинган ерларнинг 86 фоизини қайтарди. Бунинг эвазига Фаластинликлар қуролланишни бекор қилиши ва Исроилни тан олиши керак.

МЕТРОПОЛИТЕН... СУДГА БЕРИЛДИ



Москва шаҳар Истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш жамияти метрополитенда тоза ҳаво етишмаслиги ва вагонлардаги шовқиндан йўловчиларни ҳалос этишни талаб қилмоқда. Мутахассисларнинг фикрича, суд орқали бу муаммо ечимини топиши осон эмас, лекин иложи бор. Ҳуқуқ ҳимоячилари мазкур талаб билан Фуқаролик судига йўллаган даъво аризасида минглаб йўловчилар фикрини келтиргани айтилмоқда. Жамият вакиллари берган маълумотларга кўра, метрополитендаги вентиляция ва шовқин қамайтириш тизимлари талабга умуман жавоб бермайди. Ҳуқуқшунос Алина Топорнининг таъкидлашича, мазкур даъво аризаси жуда долзарб бўлиб, суднинг ижобий қарори метрополитендаги ёритиш, вентиляция ва шовқин назорати тизимларини меъёрлаштиришга туртки бўлиши мумкин.

Реклама

Автомобили УАЗ
от дилера «SARDOR AVTO INVEST»
УАЗ Patriot (comfort) — пикап



Полноприводный (4x4)



ЦЕНТРЫ ПРОДАЖ В ТАШКЕНТЕ:
Тел./факс: (371) 215-09-11, 215-18-17.
Тел.: (+99891) 162-99-99, (+99898) 303-90-09.
(+99895) 177-01-17.

Узнай больше на сайте www.sardor-avto.uz

LADA БИЗНЕС
от дилера «SARDOR AVTO INVEST»



ВИС-2347, LADA SAMARA, борт.



ВИС-2347, LADA SAMARA, фургон.



ВИС-23460, LADA NIVA, 4x4.



ВИС-23461, LADA NIVA, 4x4.

ЦЕНТРЫ ПРОДАЖ В ТАШКЕНТЕ:
Тел./факс: (371) 215-09-11, 215-18-17.
Тел.: (+99891) 162-99-99, (+99898) 303-90-09.
(+99895) 177-01-17.

Узнай больше на сайте www.sardor-avto.uz

ХЎРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!
«АСАКА» БАНК (ОАЖ)

Куйидаги мақсадларга:
— Аҳоли учун истеъмол товарлари (музлаткич, теле-аппаратура, мебель ва бошқа жиҳозлар) сотиб олишга;
— Оилавий тадбиркорликни ва хунармандчиликни ривожлантириш учун;
— Касб-хунар коллежлари ва бошқа таълим муассасалари битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ва ривожлантириш учун кредитлар ажратади.
Кредитларни «Асака» банк (ОАЖ) барча филиалларида расмийлаштиришингиз мумкин.

**«АСАКА» БАНК (ОАЖ)
ФИЛИАЛЛАРИ КРЕДИТ БЎЛИМЛАРИНИНГ
ТЕЛЕФОН РАҚАМЛАРИ:**

Филиаллар номи	Телефон рақамлари
Қорақалпоғистон филиали	8-361-223-72-59
Андижон вилоят филиали	8-374-224-56-98
Асака филиали	8-374-233-15-32
Фарҳод филиали	8-374-226-96-93
Бухоро вилоят филиали	8-365-223-11-15
Бухоро шаҳар филиали	8-365-770-00-34
Қашқадарё вилоят филиали	8-375-221-15-38
Навоий вилоят филиали	8-436-770-21-28
Зарафшон филиали	8-436-573-18-82
Наманган вилоят филиали	8-369-226-91-45
Самарқанд вилоят филиали	8-366-233-63-82
Афросиёб филиали	8-366-221-72-68
Сурхондарё вилоят филиали	8-376-770-82-20
Сирдарё вилоят филиали	8-367-225-28-61
Тошкент вилоят филиали	8-371-120-84-04
Фарғона вилоят филиали	8-373-224-72-14
Марғилон филиали	8-373-237-60-71
Олтиариқ филиали	8-373-432-19-80
Қўқон филиали	8-373-552-61-01
Хоразм вилоят филиали	8-362-226-96-03
Тошкент шаҳар филиали	8-371-120-83-00
Автотранспорт филиали	8-371-120-39-01
Шайхонтоҳур филиали	8-371-140-39-04
Юнусобод филиали	8-371-221-80-67
Сергели филиали	8-371-257-44-10
Жиззах вилоят филиали	8-372-226-34-90

Кўшимча маълумот учун телефонлар:
(8-371) 120-82-23, 120-81-83, 120-81-54.

«Асака» банк (ОАЖ)
кўп каналли ягона
«Ишонч телефони» рақами:
(8-371) 120-82-88.

**«АСАКА» БАНК —
обод турмуш ва фаровон ҳаёт хизматида!**

Хизматлар лицензияланган.



**ОЗОД ЮРТНИНГ
ОБОД ОИЛАСИ**

— Ҳаёт синовидан ўтган миллий анъаналарга амал қилиш, ёшларга тўғри йўл кўрсатиш, эҳтиёжманд оилаларни қўллаб-қувватлаш, қариялар ва беморлар ҳолидан хабар олиш, ҳайрия ҳашарларини ташкил қилиш халқимизга хос эзгу фазилатлардан, — дейди Тошкент шаҳар, Учтепа туманидаги Алихонтура Соғуний номи маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Муаттар Ишмухамедова. — Бу борада биз, жамоатчилик вакиллари зиммасига жуда катта масъулият юклатилган, албатта. Истиклол шарофати билан қабул қилинган қонунлар, яратиб берилган имтиёзлар асосида аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш, ғоявий-тарбиявий ишларни кучайтириш борасида кенг имкониятларга эга бўлдик. Сўхбатдошимизнинг қунончилик билан гапириши бежиз эмас, албатта. Зеро, салкам 40 йил давомида таълим-тарбия соҳасида хизмат қилган онахон ҳамон тиниб-тинчимайди. Аксинча, гайрат қамарини маҳкам боғлаб, маҳалладошлари узогини яқин, мушкулни осон қилишдек эзгу таъшилар билан банд. Юртбошимиз фармони билан яқинда «Шуҳрат» медали билан тақдирлангани эса кўп йиллик ҳалол меҳнатининг чинакам эътирофи бўлди. Олаҳоннинг турмуш ўртоғи Равшан ака ҳам педагогика соҳасида сидқидилдан хизмат қилиб, эл-юрт ҳурматини қозонмоқда. Шу кунга унинг бир қатор илмий қўлланимлари чоп этилган. Маҳалла фахрига айланган хонадонда бир ўғил ва уч қиз вояга етди. Айни кунда уларнинг барчаси ҳаётдан муносиб ўринларини топишган. Беш нафар неварга эса спорт билан доимий шуғулланишди. Ушбу маҳаллада ибратли оиланинг издошлари тобора кўпайиб борапти.



Гидрометеорология марказидан олинган маълумотларга кўра, 1-8 август кунлари Ўзбекистонда об-ҳаво ўзгаришлари бўлиб, ёгингарчилик кутилмайди. Фарбий шомол йўналишини ўзгартириб, шарқдан 7-12 м/с тезликда эсади. Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида ҳарорат кечаси 20-25, кундузи 34-39 даража иссиқ бўлиши кутилмоқда. Навоий, Бухоро, Самарқанд, Жиззах ва Сирдарё вилоятларида ҳарорат кечаси 20-25, кундузи 37-42, 3-5 август кунлари эса 35-40 даража иссиқ бўлади. Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида ҳарорат кечаси 23-28, кундузи 38-43 даража иссиқ бўлади. Республикаимизнинг Шарқи — Андижон, Фарғона ва Наманган вилоятларида термометр кўрсаткичлари кечаси 22-27, кундузи 35-40 даража иссиқ бўлишини кўрсатмоқда. Тошкент вилояти ва пойтахтимизда ҳам об-ҳаво ўзгариб турса, ёгингарчилик кутилмайди. Ҳарорат кечаси 20-25, кундузи 2 августда 37-42, 3-5 август кунлари эса 35-40 даража иссиқ бўлади. Тоғли ҳудудларда ҳарорат кечаси 17-22, кундузи 25-30 даража иссиқ бўлиши кутилмоқда.

Антиқа қонунлар

Австралия қонунларига мувофиқ, мамлакатда болаларга тамаки маҳсулотлари сотиш тақиқланган, бироқ уларни истеъмол қилиш бўйича ҳеч қандай чекловлар белгиланмаган. Австралияликларнинг уйларида электр лампаси куйиб қолса, уни фақат малакали электрик алмаштириши шарт. Акс ҳолда уй эгаси жаримага тортилади. Мамлакат алоқа вазирлиги қарорига кўра, телефон гўшагини биринчи кўнғирокдан кейин кўтариш мумкин эмас.

Дания қонунларида автомобиль тагига кириб олган жониворларни ҳайдаш тақиқланади. Автомобиль олдидан от чиқиб қолган пайтда у хуркиб кетса, ҳайдовчи шу заҳоти машинани четга олиб, тўхтаб туриши керак. Мамлакатда кундузи ҳам машина чироқларини ёқиб юриш шарт. Акс ҳолда қондабузар 100 доллар миқдоридagi жаримага тортилади. Қамқоқхона маҳбуслари жазони ўташ жойидан қочиши мумкин. Аникроғи, қочқоқлар ҳеч қандай жазога тортилмайдилар.

Реклама

«NAVOIYAZOT»
OSHIQ AKSIYADORLIK JAMIYATI

НАТРИЙ ГИПОХЛОРИТИНИ СОТУВГА ТАКЛИФ ЭТАДИ

**NaOCl ИЧИМЛИК СУВИ,
СУЗИШ БАССЕЙНЛАРИ
СУВИНИ ЗАРАРСИЗЛАНТИРИШДА,
ДЕЗИНФЕКЦИЯЛАШДА ВА
ГАЗЛАМАЛАРНИ
ОҚАРТИРИШДА ИШЛАТИЛАДИ**

Ўзбекистон Республикаси, 210105,
Навоий-5, Факс: (+99879) 223-75-80
Маркетинг бўлими: (+99879) 229-29-99
e-mail: market@navoiyazot.uz

www.navoiyazot.uz

СОТУВ БЎЛИМИ: (+99879) 229-23-04, 229-27-35, e-mail: sale@navoiyazot.uz

Латифалар

— Сонлар ҳеч қачон алдамайди, — деди ўқитувчи математика дарсида. — Масалан, бир киши катта далани 10 кунда чопса, 10 киши ўша жойни бир кунда чопиши мумкин. Хўш, ким шунга ўхшаш мисолларни келтира олади? Бокъиев, қани эшитайликчи.
— Оддий бир кема Атлантика океанини 6 кун, яъни 144 соатда босиб ўтди. Демак, 144 та кемага океанини кесиб ўтиш учун 1 соат етарли экан-да!

— Нима учун кеча ишга чиқмадингиз? — деб сўради раҳбар ходимидан.
— Ўзингиз маст ҳолда кўзимга кўринма, деган эдингиз-ку!

Реклама

МАХСУЛ ВА ОДДИЙ ТРАКТОРЛАР!

Барча тракторлар қорхонанинг Тошкентдаги омборхонасида мавжуд

- Экскаватор-погрузчик ЗП-Ф-П (Б) Бульдозер
- Запасные части к тракторам "Беларусь"
- Бульдозер погрузчик БЛ-750
- Шины различных моделей
- Экскаватор-погрузчик цепной ЗП-Ф-Ц
- Асфальтоэроз
- Подъемник БЛ-09
- "Беларусь" (MTZ)-80x, 80.1, 82.1, 1025.2, 1221.2



маҳсулот сертификатланган

Т.: (+99871) 252-16-29, 255-09-55.
e-mail: toglar_uz@mail.ru www.toglar.uz